**“APPROVED”**

**The Extraordinary General Meeting of Shareholder of “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” JSC**

**« 14 » august 2019 й**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида**
**« 14 » август 2019 й**

# REGULATION ON THE REVIEW COMMITTEE OF JOINT-STOCK COMPANY “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

# “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

**Kokand 2019**

**Қўқон 2019 й**

**TABLE OF CONTENTS / ОГЛАВЛЕНИЕ**

**1. General provisions / Умумий қоидалар -------------------------------------------------- 3**

**2. Election of members of the Audit Commission / Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ------------------------------------------------------------------------- 3**

**3. Powers of the Audit Commission / Тафтиш комиссиясиниг ваколатлари ----------- 4**

**4. Requirements to the Audit Commission / Тафтиш комиссиясига қўйиладиган талаблар ------------------------------------------------------------------------------------------- 5**

**5. Activity of the Audit Commission / Тафтиш комиссиясининг фаолияти ------------- 5**

## I. General provisions.

1.1 This Regulation is approved by the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights”, the Corporate Governance Code, the Charter and other normative documents approved by the meeting of the Commission on Enhancement of the Efficiency of the Joint Stock Companies and Improvement of the Corporate Governance System dated December 31, 2015 Designed accordingly.

1.2. The Regulation defines the procedure, rights and obligations of the Audit Commission, as well as the procedure of decision-making by these bodies.

## II. Election of members of the Audit Commission.

2.1. To control the financial and economic activities of the Company, the General Meeting of Shareholders is elected by the Audit Commission for a period of three years.

2.2. In the event of voting on the election of a member (auditor) of the Company, the ballot shall contain the information about the candidate, his / her name, first name and patronymic.

2.3. Shareholders (shareholders) holding at least one percent of the voting shares of the Company shall not later than thirty days after the end of the fiscal year of the Company to the agenda of the annual general meeting of shareholders, unless otherwise specified in the company's charter. candidates.

## I. Умумий қоидалар.

1.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, жамият уставига ҳамда бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом “Тафтиш комиссияси”нинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

## II. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

2.1. Жамият молия-хўжалик фаолиятининг назорат килиш учун акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан 3 кишидан иборат бўлган бир йил муддатга “Тафтиш Комиссияси” сайланади.

2.2. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

2.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

## III. Powers of the Audit Commission

2.1. The powers and procedures of the Audit Commission of the Company shall be determined by applicable law.

2.2. Audit of financial and economic activities of the Company shall be carried out at the initiative of the Audit Commission based on the results of one year or other period, upon the decision of the General Meeting of Shareholders, the Supervisory Board, or at the request of the shareholder (shareholders) holding at least five percent of the Company's voting shares.

2.4 At the request of the Audit Commission of the Company Officials of the Company's Management bodies shall submit documents on financial and economic activities to the Audit Commission.

2.5. The Audit Commission of the Company shall be entitled to convene an extraordinary General Meeting of Shareholders in accordance with applicable law.

2.6. At the written request of the auditing committee (auditor) of the Company, the extraordinary general meeting of shareholders shall be called by the Supervisory Board of the Company not later than thirty days from the date of submission of a written request to hold an extraordinary general meeting of shareholders.

2.7. Upon the written request of the Audit Commission (Auditor) of the Company, persons occupying positions in the executive body of the Company shall submit documents on financial and economic activity of the Company to the Audit Commission (Auditor).

## III. Тафтиш комиссиясиниг ваколатлари.

2.1. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва фаолият тартиби амалдаги конунчилик билан белгиланади.

2.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

2.4 Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошкарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўгрисидаги хужжатларни Тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

2.5. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси, амалдаги конунчиликка мувофик, акциядорларнинг навбатдан ташкари Умумий йигилиши чакирилишини талаб килишга хакли.

2.6. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

2.7. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

## IV. Requirements to the Audit Commission.

4.1. Qualification requirements for the public auditor or members of the auditing committee shall be determined by the general meeting of shareholders.

4.2. The same person may not be elected to the auditing commission of the same company more than three times in a row. The Company is a member of the Audit Commission and cannot be a member of the Company under the employment contract.

4.3. The procedure of activity of the auditing committee (auditor) of the Company shall be established by the regulation approved by the general meeting of shareholders.

## V. Activity of the Audit Commission.

5.1. Based on the results of the audit of the financial and economic activities of the Company, the Audit Commission (Auditor) of the Company shall make a conclusion that states:

Assessment of the reliability of the information contained in the reports and other financial documents of the Company;

information on violations of accounting and financial reporting procedures, as well as information on violations of legislation during financial and economic activities.

5.2. The auditing commission (auditor) on a quarterly basis brings to the meeting of the Supervisory Board the conclusion that there are transactions or large transactions with affiliates in the company, as well as compliance with the legislation and internal documents of the company. The conclusion, containing the information specified in paragraph 5.1 of the present Regulation, shall be heard at the annual general meeting of shareholders.

## IV. Тафтиш комиссиясига қўйиладиган талаблар.

4.1. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

4.2. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари бўлиб, Жамиятда мехнат шартномаси (контракт бўйича) бўйича ишлаётган шахслар бўла олмайдилар.

4.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

## V. Тафтиш комиссиясининг фаолияти.

5.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

5.2. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Низомнинг 5.1-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.